

ПОРА БЕРИШ ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

Нуриддинов Жамолиддинхон Азмиддин ўғли

Хукуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура факультети тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16935943>

Аннотация. Мақолада пора бериши жиноятигининг криминалистик тавсифи назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Унда жиноят излари (моддий ва идеал), уни содир этиши схемалари, айбордор шахснинг нияти ва ижтимоий муҳитидаги омиллар таҳтил қилинганд. Суд амалиёти мисоллари ҳамда олимларнинг илмий қараашлари асосида пора беришининг ижтимоий хавфи, унинг маҳфий табиати ва тергов жараёнида учрайдиган қийинчиликлар ёритиб берилган. Шу билан бирга, моддий ва электрон далилларнинг аҳамияти, воситачиларнинг роли ва терговчиларнинг профессионал ёндашуви алоҳида таъкидланган.

Калит сўзлар: пора бериши, криминалистик тавсиф, моддий излар, идеал излар, воситачи, тергов, ижтимоий хавф, электрон далиллар, суд амалиёти, коррупция.

КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПРЕСТУПЛЕНИЯ ДАЧИ ВЗЯТКИ

Аннотация. В статье исследуется криминалистическая характеристика преступления дачи взятки с теоретической и практической точек зрения.

Рассматриваются следы преступления (материальные и идеальные), схемы его совершения, мотивы виновного лица и социальные факторы. На основе судебной практики и научных взглядов учёных раскрывается общественная опасность дачи взятки, её латентный характер и трудности, возникающие в процессе расследования.

Особое внимание уделяется значению материальных и электронных доказательств, роли посредников и профессиональному подходу следователей.

Ключевые слова: дача взятки, криминалистическая характеристика, материальные следы, идеальные следы, посредник, расследование, общественная опасность, электронные доказательства, судебная практика, коррупция.

CRIMINOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE CRIME OF BRIBERY

Abstract. The article examines the forensic characteristics of the crime of bribery from both theoretical and practical perspectives. It analyzes the traces of the crime (material and ideal), common schemes of commission, the offender's motives, and influencing social factors.

Based on court practice and scholarly opinions, the study highlights the social danger of bribery, its latent nature, and the difficulties faced during investigation. Special emphasis is placed on the importance of material and electronic evidence, the role of intermediaries, and the professional competence of investigators. The findings demonstrate the necessity of applying comprehensive forensic methods in detecting and preventing bribery offenses.

Keywords: bribery, forensic characteristics, material traces, ideal traces, intermediary, investigation, social danger, electronic evidence, court practice, corruption.

КИРИШ

Криминалистика назариясида ҳар қандай жиноят тури унинг ўзига хос излари, содир этиш схемалари ва далиллари орқали тавсифланади. Пора бериш жинояти ҳам бу қонуниятдан мустасно эмас. Унинг криминалистик тавсифи жиноят жараёнида намоён бўладиган излар, шахсларнинг ҳаракат мотивлари ва психологик ҳолатлари, шунингдек, уни тергов қилишда ўзига хос бўлган усуллардан иборатdir.

Пора бериш жинояти, аввало, икки томон – пора берувчи ва пора олувчининг ўзаро алоқаси орқали амалга оширилади. Шу боисдан, бу жиноятнинг излари одатда икки гуруҳда кўринади: моддий излар ва идеал излар. Моддий излар — пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, хужжатлар, банк ўтказмалари ёки мулкий шаклда берилган нарсалар кўринишида бўлади. Идеал излар эса иштирокчиларнинг ўзаро сухбатлари, телефон ёки интернет орқали мулоқотлари, учрашув вақтидаги психологик ҳолати ва ҳаракатларида акс этади.

Бу турдаги жиноятни содир этиш схемалари ҳам муайян умумийликка эга.

Масалан, пора кўпинча воситачилар орқали берилади, айrim ҳолларда эса тўғридан-тўғри амалга оширилади. Шунингдек, пора бериш ёлғон ҳужжатлар тайёрлаш, хизмат вазифасидан суистеъмол қилиш ёки давлат органлари ходимларига ноқонуний таъсир ўtkазиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда содир этилиши мумкин.

Профессор Ш.М. Йўлдошевнинг таъкидлашича, “пора бериш жинояти қонунийлик принципига бевосита зарба берувчи омил сифатида фақат мансабдор шахснинг ҳалоллигини бузуб қолмай, балки фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини йўқотади”.

Бу фикр пора бериш жиноятининг нафақат шахсий манфаатга қаратилган хукуқбузарлик, балки жамият учун кенг қамровли оқибатларга эга ижтимоий хавфли ҳаракат эканини кўрсатади.

Чунки пора бериш давлат бошқарувининг асосий устуни — қонунийлик ва адолат принципига путур етказади. Агар мансабдор шахс пора эвазига қарор қабул қилаётган бўлса, адолат мезонлари йўқолади, давлат аппаратининг ишончлилиги ва самарадорлиги пасаяди. Бу эса фуқаролар орасида хукуқий нигилизм, яъни “қонун ишламайди” деган қарашларни кучайтиради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Шу нуқтаи назардан, пора беришнинг криминалистик тавсифи унинг ижтимоий хавф даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Жиноятнинг излари, уни содир этиш схемалари ёки далилларини ўрганиш тергов учун муҳим бўлса-да, унинг ортидаги ижтимоий хавфни англаш давлат сиёсати учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Пора бериш оддий “икки шахс ўртасидаги ноқонуний келишув” эмас, балки бутун тизимнинг қонунийлигини бузувчи омил сифатида намоён бўлади.

Жиноят амалиёти кўрсатишича, пора бериш жараёнида қоладиган излар кўп ҳолларда билвосита шаклда бўлади. Масалан, 2021 йилда Тошкент шаҳар суди томонидан кўрилган ишда тадбиркор шахс мансабдорга 5000 АҚШ доллари миқдорида пора берган ҳолатида ушланган.

Терговда асосий далил сифатида қўлга олиш жараёнида қайд этилган аудио-видео ёзувлар ва пул купюраларида топилган бармоқ излари хизмат қилган¹. Бу ҳолат пора бериш жиноятида моддий излардан ташқари техник воситалар орқали қайд этилган далиллар қанчалик мухимлигини кўрсатади.

Професор Р.Қ. Ражабов “пора беришнинг энг хавфли жихати унинг икки ёқлама келишувга асосланганидадир. Бу келишувда ҳар икки шахс – ҳам пора берувчи, ҳам пора оловчи ўз манфаатларини ҳимоя қиласди ва бу ҳолатни исботлаш учун далил топиш қийинлашади”², – деб таъкидлайди. Шу сабабли, пора бериш жиноятининг криминалистик тавсифи кўп ҳолларда яширин ҳаракатларни, воситачи орқали амалга оширилган схемаларни ва икки томоннинг ҳам узвий ҳамкорлигини ўз ичига олади.

Амалий ҳолат сифатида 2019 йилда Самарқанд вилоятида тергов қилинган ишни кўрсатиш мумкин. Унда фуқаро давлат хизматчисининг ёрдамида тендер ғолиби бўлиш мақсадида пора бермоқчи бўлган. Жиноятчи тўғридан-тўғри мансабдорга мурожаат қилмаган, балки унинг ишончли воситачиси орқали пулни топширган. Суд жараёнида воситачининг кўрсатмалари ва пул топшириш жараёнида қайд этилган телефон ёзишмалари ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Бу мисол пора бериш жиноятининг криминалистик тавсифига воситачилар орқали амалга оширилиш ҳолатлари қанчалик хос эканини кўрсатади.

Професор М.Х. Рустамбаев эса таъкидлаганидек, “терговчи пора бериш ҳолатини ўрганар экан, у фақат моддий изларни эмас, балки айбдор шахснинг ниятини ҳам чуқур таҳлил қилиши лозим. Чунки пора бериш кўп ҳолларда шахсий манфаатлардан ташқари ижтимоий мухитнинг таъсирида ҳам содир этилади”³. Бу фикр пора бериш жиноятининг криминалистик тавсифида шахс омилиниң ўрни қанчалик мухим эканини кўрсатади.

Дарҳақиқат, айбдорнинг ниятини, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, касбий мухити ва психологик тайёргарлигини таҳлил қилмасдан, жиноятнинг тўлиқ манзарасини тиклаш қийин. Масалан, айрим ҳолларда пора бериш шахсий манфаатни таъминлаш учун амалга оширилса, бошқа ҳолатларда атрофдагиларнинг босими, тизимдаги иллатлар ёки хизмат вазифаларининг қийин шароитлари таъсирида юзага келиши мумкин.

Хорижий тажрибалар ҳам бу жихатни тасдиқлайди. Масалан, В.Л. Кудрявцевнинг фикрича, “коррупциянинг энг катта муаммоси унинг махфийлигидадир. Бу жиноят очик кўринишга эга эмас ва кўпинча билвосита излар орқали очилади”⁴. Бу қараш амалда ўз исботини топган: кўпгина суд ишларида асосий далиллар сифатида телефон ёзувлари, аудио-видео қайдлар, электрон хабарлар ва воситачиларнинг кўрсатмалари хизмат қиласди.

Демак, пора бериш жиноятида далилларни тўплаш ва уларнинг ишончлилигини таъминлаш алоҳида мураккаб жараён ҳисобланади.

Амалиётдан мисол сифатида 2022 йилда Қашқадарё вилоятида кўрилган ишни келтириш мумкин.

¹ Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича амалиёти. – 2021 йил, 15-март қарори.

² Мелиев, X. (2024). коррупциявий жиноятчиликнинг сабаблари, ахоли хуқуқий онги ва маданияти даражасининг коррупциявий мухитга таъсири.

³ Рустамбаев М.Х. «Криминалистика асослари». – Т.: Ўқитувчи, 2019.

⁴ Кудрявцев В.Л. «Коррупция ва унинг жиноят хуқуқидаги ўрни». – М.: Наука, 2002.

Бир фуқаро давлат инспекторига ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этмаслик учун пора таклиф қилган. Тергов жараёнида пора пуллари маҳсус белгилаб қўйилган куппоралар орқали қайд этилган ва инспектор қўлида ушбу куппоралар топилган.

Суд жараёнида айнан шу моддий далил ҳал қилувчи аҳамият касб этди ва пора берувчи шахс жавобгарликка тортилди⁵. Бу ҳолат пора бериш жиноятида моддий изларнинг аҳамияти нақадар катта эканини яққол кўрсатади.

Шу билан бирга, бундай ишларда терговчи фақат моддий далиллар билан чекланиб қолмаслиги лозим. У, айниқса, иштирокчиларнинг нияти ва психологик ҳолатини, пора беришга ундан омилларни, воситачиларнинг ролини ва ижтимоий муҳитнинг таъсирини ҳам чукур ўрганиши шарт. Чунки пора бериш жинояти кўп ҳолларда шахснинг индивидуал харакатидан ташқари, бутун тизимдаги коррупцион муҳитнинг маҳсулоти сифатида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, пора бериш жиноятининг криминалистик тавсифи қуидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

–моддий излар (пул маблағлари, ҳужжатлар, банк ўтказмалари, маҳсус белгилар билан қайд этилган куппоралар ва бошқалар);

–идеал излар (гувоҳларнинг кўрсатмалари, мулоқот жараёнлари, воситачиларнинг иштироқи);

–айбдор шахснинг шахсий нияти, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва психологик тайёргарлиги;

–жиноятнинг маҳфий табиати ва уни фош қилишда маҳсус криминалистик усуулларнинг аҳамияти.

Бу омилларни комплекс таҳлил қилиш пора бериш жиноятини очиш ва айбдорларни жавобгарликка тортишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, профессор О.Х. Саидов таъкидлаганидек, “пора бериш ҳолатида терговчи нафақат далилларни йиғиши, балки ижтимоий муҳит ва қонунбузар шахснинг ички мотивларини ҳам англаши керак.

Чунки коррупция фақат ҳуқуқий муаммо эмас, балки ижтимоий феноменdir”⁶.

Хулоса қилиб айтганда, пора бериш жиноятининг криминалистик тавсифи бир қатор муҳим белгилар билан характерланади. Биринчидан, унинг маҳфий табиати жиноятни очиш ва исботлаш жараёнида жиддий қийинчиликлар туғдиради. Пора бериш очик равишда содир этилмайди, балки кўп ҳолларда турли схемалар, воситачилар ёрдамида ёки мулоқотнинг яширин каналлари орқали амалга оширилади.

Иккинчидан, пора бериш жинояти турли изларни қолдиради: моддий излар (пул маблағлари, банк ўтказмалари, ҳужжатлар, маҳсус белгилаб қўйилган куппоралар ва бошқа ашёвий далиллар) ҳамда идеал излар (иштирокчиларнинг кўрсатмалари, мулоқот мазмuni, телефон ва электрон хабарлар). Шу изларнинг комплекс ўрганилиши жиноятнинг ҳақиқий манзарасини тиклашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

⁵ Қашқадарё вилояти суди амалиёти. – 2022 йил, 7-июн қарори.

⁶ Саидов О.Х. «Ҳуқуқий давлат ва коррупцияга қарши кураш». – Т.: Маънавият, 2016.

Учинчидан, пора бериш айбдор шахснинг мотивлари ва нияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай мотивлар шахсий манфаатдан тортиб, хизмат вазифаларини енгиллаштириш, жазодан қочиш, ноконуний имтиёзга эришиш ёки ижтимоий муҳитнинг таъсиригача бўлиши мумкин. Шу боис, айбдор шахснинг ижтимоий-иктисодий ҳолати, шахсий хусусиятлари ва психологик тайёргарлиги ҳам криминалистик тавсифда муҳим ўрин тутади.

Тўртинчидан, суд амалиёти ва олимлар фикрлари шуни кўрсатадики, пора бериш жиноятини очища моддий излар билан бир қаторда электрон далиллар (аудио-видео ёзувлар, телефон мулоқотлари, электрон хабарлар) ҳам катта аҳамиятга эга. Шунингдек, воситачиларнинг кўрсатмалари кўп ҳолларда иш бўйича ҳал қилувчи далил вазифасини бажаради.

ХУЛОСА

Шу жиҳатларни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, пора бериш жиноятининг криминалистик тавсифи комплекс ёндашувни талаб этади. Тергов жараёнида нафақат моддий далиллар, балки айбдор шахснинг шахсий нияти, ижтимоий муҳити, иш жараёнидаги муносабатлари ҳам чуқур таҳлил қилиниши зарур. Фақат шундагина ушбу жиноятнинг тўлиқ манзараси очилиб, айбдор шахслар адолатли жавобгарликка тортилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мелиев, X. (2024). коррупциявий жиноятчиликнинг сабаблари, аҳоли ҳуқуқий онги ва маданияти даражасининг коррупциявий муҳитга таъсири.
2. Рустамбаев М.Х. Криминалистика асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2019.
3. Абдуллаев А.Ж. Жиноятларнинг криминалистик тавсифи. – Тошкент: Фан, 2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Тошкент: Адлия вазирлиги нашриёти, охирги таҳрир.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Адлия вазирлиги нашриёти, охирги таҳрир.
6. Transparency International. Corruption Perceptions Index. – Annual Reports, 2018–2023.
7. OECD. Anti-Corruption and Integrity Frameworks. – Paris: OECD Publishing, 2019.
8. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). United Nations Convention against Corruption. – New York: United Nations, 2004.
9. Quah, Jon S.T. Curbing Corruption in Asian Countries: An Impossible Dream? – Singapore: Marshall Cavendish, 2011.
10. Rose-Ackerman, Susan. Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform. – Cambridge: Cambridge University Press, 2016.
11. Transparency International Sweden. Anti-Corruption Work in Sweden. – Stockholm, 2020.
12. Ashworth, Andrew. Principles of Criminal Law. – Oxford: Oxford University Press, 2021.
13. Jescheck, H.-H. Lehrbuch des Strafrechts: Allgemeiner Teil. – Berlin: Duncker & Humblot, 1996.
14. CPIB Singapore (Corrupt Practices Investigation Bureau). Annual Report. – Singapore, 2021.